



Келгуси сонларда ўқинг



Келгуси сонларда ўқинг

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 27 март • сешанба • № 36 (4009)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни Қўқсарой қароргоҳида «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанини қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги яхши қўшнилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, савдо, транспорт ва энергетика соҳаларидаги лойиҳалар, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги дастурларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Президент Муҳаммад Ашраф Ғани мамлакатларимизнинг Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясини ўтказишга оид биргаликдаги ташаббусини рўёбга чиқаришга қаратилган сазой-ҳаракатлар учун Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди, ўзаро манфаатли йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИ ЎРИНБОСАРINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 март куни «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган АҚШнинг нуфузли делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннонни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари механизм кулар экан, биргаликдаги сазой-ҳаракатлар Ўзбекистон — АҚШ муносабатларини ривожлантиришга янги суръат бағишлаганини алоҳида таъкидлади. Олий ва юқори даражадаги икки томонлама мулоқотлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, уни амалий мазмун билан бойитмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган мунтазам сиёсий мулоқотга юксак баҳо берилди. Савдо, инвестиция ва юқори технологиялар соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда АҚШнинг етакчи компаниялари ва банклари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги кайд этилди.

Учрашувда Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон ва АҚШ афғон можаросини тинч сиёсий йўл билан ҳал этиш бўйича жараёни тез фурсатда бошлаш тарафдорлари экани таъкидланди.

Афғонистон ҳукуматининг мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик жараёнларига қўшилиш бўйича сазой-ҳаракатларини икки томон ҳам қўллаб-қувватлашни қайд этилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ТАШҚИ САВДОНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА САВДО ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ташқи савдонини янада эркинлаштириш, тadbиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун тенг ва қулай шароитлар яратиш, шунингдек, савдо операцияларини амалга оширишда ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва «Ўзстандарт» агентлигининг Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклардан олдин мажбурий инспекциядан ўтказиш тартиботини бекор қилиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.
2. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни юклардан олдин инспекциядан ўтказиш ихтиёрий асосда амалга ошириладиган;
3. Давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, тижорат банкларига юк ортишдан олдин инспекцияни ўтказувчи инспекция органини танлаш ҳақида импорт қилувчиларга тавсиялар бериш таъкидлансин.
4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департа-

менти «Ўзстандарт» агентлиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда, мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, давлат манфаатларига етказилган зарарни қоплаш қарорларини таъминловчи механизмларни жорий этган ҳолда импорт қилувчилар ва ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш бўйича таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда аккредитация объектлари томонидан ваколатли органга ўтказиладиган тўловларни ундириш шартлари ва миқдорларининг танқидий қайта кўриб чиқишини таъминласин.

6. Белгилансинки, Марказ фаолияти соҳаси татбиқ этиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар харидларини ўтказиш (харид тартиботларини бажариш, реклама ишларини ташкил этиш, тендер ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар) бўйича ихтисослашган ташкилотни танлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги томонидан ўрнатиладиган талабларга жавоб берадиган ихтисослашган ташкилотлар орасидан танлов асосида амалга ошириладиган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги

бир ой муддатда давлат харидларини ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга ихтисослашган ташкилотларга қўйилмайдиган талабларни, шунингдек, давлат харидларини ўтказиш доирасида ихтисослашган ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари рўйхатини ўрнатилган тартибда белгиласин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М.Садиқов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 24 март

«Томорқага экин экиш» ойлиги

Олтириқлик деҳқон-у миришкорларнинг Марсда ҳам бодринг, турп сотиши ҳақидаги латифани эшитгансиз. Албатта, бунинг замирида уларнинг омилкорлиги-ю тadbиркорлиги мужассам. Фарғона вилоятининг нафақат Олтириқ туманида, балки бошқа ҳудудларида ҳам томорқачиликда яхши мактаб яратилган. Кафтдекки ердан уч-тўрт марта ҳосил олиб, фаровонлиги ошаётган оилалар сони борган сари кўпаймоқда. Тўғри, баъзи маҳаллаларда 10-15 сотих ери бўла туриб, баҳорда бирор экин экмайдиган, ернинг умрини беҳуда ўтказиб юбораётганлар ҳам бор.

Кафтдек ердан салмоқли даромад



2 >

Халқаро конференция

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ҳамкор ташкилотлар иштирокида шу йилнинг 24-26 апрель кунлари пойтахтимизда «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, айти пайтда ушбу тadbирга катта ҳозирлик кўрилмоқда.



Тайёргарлик ҚИЗГИН



Қуни кеча ЎзКУФҚда ушбу нуфузли анжумани ўтказиш бўйича Ташкилий қўмитанинг йилги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Қ.Акмалов олиб борди.

Йилги йиғилишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси, халқаро анжумани ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита раиси Қ.Рафиев, Ташкилий қўмита аъзолари, вазирлик, идора ва ташкилотлар, илмий муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг раҳбар ва мутасаддилари қатнашди.

2 >

ТОШКЕНТ — АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ МЕЗБОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида 26 март куни пойтахтимизда «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» форматида ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қозғоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қайрат Абдраҳманов, Қирғизистон Респуб-

ликаси ташқи ишлар вазири Эрлан Абдилдаев, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Аслов, Туркменистон ташқи ишлар вазири ўринбосари

Вела Хаджиев ва Еврокомиссия президенти ўринбосари, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини минтақаларо ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Афғонистон Евроосиё минтақасидаги ноёб стратегик ва трансчегаравий имкониятларга эга мамлакат сифатида Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Минтақа халқларини умумий тарих,

дин, маданият ва урф-одатлар бирлаштириб туради. Тинч Афғонистон Марказий Осиё мамлакатларига Ҳинд океани ва Форс кўрфазини портларига энг қисқа йўл орқали қиқши, Ҳиндистон, Эрон ва Покистонни Европа ва бошқа минтақалар билан боғлаш имконини беради. Шу боис нафақат Марказий Осиё, балки қўшни минтақалардаги барқарорлик ва изчил тараққиёт Афғонистонда тинчлик ва оқошталлик ўрнатилиши билан узвий боғлиқдир.

2 >

Тайёргарлик қизғин



1 Унда кун тартибига киритилган масалалар муҳокама қилинди.

— Мазкур анжуман Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 113-Ф сонли Фармойиши ижросини таъминлаш, Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқувчи вазифалар, мамлакатимизнинг янги иқтисодий ва сийёсий қиёфасини халқаро ҳамжамиятга на-

лот ҳамда мамлакатлар вакиллари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг касба уюшма ташкилотлари мутасаддилари, чет эллик экспертлар, Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзолари, мамлакатимиздаги суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, республика ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Йилгилида таъкидланганидек, Ҳаракатлар стратегияси бугун халқимизнинг орзу-истакларини ўзида мужассам этган ҳужжатга айланди. Стратегиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда бешта устувор йўналиш, яъни давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва

амалий руҳдаги ташки сийёсат юритиш йўналишларида мамлакат ижтимоий, иқтисодий, сийёсий, маданий-маърифий ҳаётининг барча жабҳаларига чуқур кириб борилган бўлиб, айнан шунга кўра, хорижий экспертлар ҳам ушбу дастуриламал ҳужжатнинг юртимиз келажиги учун долзарб аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидламоқда.

Халқаро конференциянинг ялпи мажлиси «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасининг «Амир Темур» конференц-залда, секциялар бўйича мунозаралар «International Hotel Tashkent» меҳмонхонаси ва «Халқаро Намкорлик маркази» АК Халқаро бизнес марказининг конференц-залларида ўтказилиши режалаштирилган.

Анжуман доирасида хорижий меҳмонлар ижтимоий объектлар, хусусан, таълим ва тиббиёт муассасалари, аҳоли учун қурилган арзон уй-жой мажмуалари, юртимизнинг тарихий шаҳарлари билан ақиндан танишиши имконига эга бўладилар.

Ташкилий қўмита йилгилиши якунида ишчи гуруҳлар, масъул вазирлик, идора ва ташкилотларнинг халқаро конференцияни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Ўз муҳбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Анджон вилояти Газначилик бошқармасида жамоа шартномасининг ўтган йилдаги ижроси ҳамда 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасини қабул қилишга бағишланган конференция ташкил этилди.

Унда бошланғич касба уюшма ташкилоти ва иш берувчи ҳамкорлигида ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси борасида қатор тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, 7 нафар ҳодим ва уларнинг яқин қариндошлари санаторийларда, 15 нафар бола оромгоҳларда имтиҳин тарзда соғлигини тиклади.

Жиззах вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси билан 13648 та корхона, ташкилот ва муассасада жамоа шартномаси тузилган бўлиб, улар орқали 164597 нафар ишчи-ҳодим манфаати ҳимоя қилинган.

Ўтган йили ҳудудий дастурга мувофиқ 33264 та янги иш ўрни яратилган. Шунингдек, ижтимоий сурғурта маблағлари ҳисобидан 642 нафар ишчи-хизматчи сихаттоҳларда, 4300 нафар бола эса ёзги дам олиш оромгоҳларида дам олди.

Бирлашмага йўланган 249 та мурожаатни ўрганиш жараёнида 156 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди. Уларга салкам 140 млн. сўм миқдордаги моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. Бундан ташқари, мурожаатлар бўйича мансабдор шахсларга 73 та тақдимнома, судларга 46 та даъво аризаси киритилди.

«Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» АЖДа жамоа шартномасининг 2017 йилдаги ижросига бағишланган йилгилиш бўлиб ўтди. Ўтган йил давомида жамоа шартномаси орқали 2400 нафар ҳодимнинг иш берувчи ҳисобидан тиббий-қўриқдан ўтиши таъминланди. 871 нафар ҳодим электр қурилмаларида ишлаш қондалари, 1050 нафар ҳодим хавфсизлик техникаси қондалари бўйича синовдан ўтказилди.

Йилгилида 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси ҳам қабул қилинди.

Қашқадарё. Қарши олимпия захиралари коллежида «Соғлом оила» шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 30 та оила ўзаро мусобақалашди. Якуний натижага кўра, қиз болали оилалар ўртасида Қосон тумани жамоаси вакили Самариддин Амиркулов оиласи, ўғил болали оилалар ўртасида эса Қарши шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳодими Ҳамидулла Раҳимов оиласи биринчилиكنи қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар, шунингдек, «Энг чаккон оила», «Ғалаба бўлган интилиши юксак оила», «Фалол иштирок этган оила» номинацияси ғолиблари ташкилотлар томонидан тақдирланди.

Қораканлигонистон. Нукус шаҳрида «Соғлом оила» шиори остида оилавий спорт мусобақаларининг республика бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда 16 та жамоа иштирок этди.

Якуний натижага кўра, ўғил фарзандли оилалар ўртасида Хужайли туманидан М.Кенжебаев оиласи биринчи, Шуманай туманидан С.Аметов оиласи иккинчи, Қораўзақ туманидан Д.Тажмуратовнинг оилавий жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Қиз фарзандлилар ўртасида тахтақўпирлик М.Серимбетов оиласи биринчи, шуманайлик Б.Ҳайтбаев оиласи иккинчи ва хўжайлилик М.Пурханов оиласи учинчи ўринга муносиб топилди.

Шунингдек, бир қатор иштирокчи жамоалар ҳам қўшимча номинациялар бўйича ғолиблик шохсусасидан жой эгаллади. Ғолиблар касба уюшмалари бирлашма кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Самарқанд олимпия захиралари спорт мажмуасида «Соғлом оила» шиори остидаги спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Қизгин баҳсларда Иштихон педагогика коллежи ўқитувчиси Хусниддин Ҳиловоқоболов ҳамда Самарқанд туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ўқтамжон Мардонов оилалари биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ўз муҳбирларимиз

ТОШКЕНТ — АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТИНЧЛИК МУЗОКАРАЛАРИ МЕЗБОНИ

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунларида Афғонистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада фаоллаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик, барқарорлик ўрнатилиши, унинг иқтисодий ва транспорт инфратузилмаси тикланишига қўмаклашиш тарафлари эканини билдирди. Давлатимиз раҳбари энг нуфузли минбарлардан туриб, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябр ойда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳамда ноябрь ойда Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида халқаро конференциядаги нутқларида Марказий Осиёдаги хавфсизликка таҳдидларни «Ўзиники ва Ўзгаларники» деб ажратилган ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш эканига қаратди.

Халқаро таҳлил марказлари қайд этганидек, Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилаётган юқори даражадаги халқаро конференция Ўзбекистоннинг янги ташки сийёсати стратегиясининг амалий натижаси сифатида ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги кўшма сийёсат-ҳаракатларга кенг йўл очди.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон — Афғонистон ҳамкорлигини ривожлантиришда илҳом берган эришга эришилди. 2017 йилда мамлакатларимизнинг дўстона муносабатлари томонлар ҳамкорлиги учун янги истикбол эшикларини очди. Давлатларимиз раҳбарларининг мунтазамлик касб этган мулоқотлари бир-галликдаги ҳамкорликка янги суръат бағишланди. Президентлар дўстона, самимий ва ўзаро ишончга асосланган мулоқоти йўлга қўйишга эришилди. Ўтган йил декабр ойда Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг Ўзбекистонга ташрифи икки дав-

лат муносабатларида янги саҳифа очди.

Ташриф якунига кўра, сийёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларга оид 20 ҳужжат имзоланди. Ҳужжатларнинг асарияти нафақат Афғонистон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамият касб этди. Жумладан, Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан «Мозори Шариф — Ҳирот» темир йўли ва «Сурхон — Пули Хумри» электр узатиш линияси қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши Афғонистон иқтисодий ривожланиши ва афғон халқи турмуши яхшиланшига хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг Афғонистонга дўстона муносабати, мамлакатимизнинг афғон халқига қўмаклашишга тайёр экани рами сифатида Термиз шаҳрида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этилди. Марказда айни пайтда афғонистонлик 96 йилгит-қиз тахсил олмақда.

Мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро мулоқот фаоллаштири. Ўтган йил икки йил ичидан Афғонистондан мамлакатимизга 20 дан ортиқ делегация ташрифи бўлди. Қайд этиш керакки, бундай кўламдаги делегациялар алмашуви Ўзбекистон муносабатларида илгари кузатилмаган. Буларнинг барчаси икки томонлама ҳамкорликка янги чўшқу бағишламоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги халқаро конференция дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган сийёсат-ҳаракатларига гўяг муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Чунки бу нуфузли форумда бошқа конференциялардан фарқи ўларок, афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича янги тақдирлар илгари суршилди кутилмоқда. Унда иштирок этиш учун 25 давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари Тошкентга келди.

Жумладан, Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташки ишлар ва хавфсизлик сийёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АКШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозғонистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амириклари ташки сийёсий маҳкамалари раҳбарлари ташрифи бўлди. Конференция ишини ёритиш учун 300 га яқин оммавий ахборот воситаси аккредитациядан ўтказилди. Жумладан,

АКШ, Буюк Британия, Хитой, Россия, Япония ва Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи телеканаллари, ахборот агентликлари ва нашрлари кенг ёритмоқда.

Тошкент конференцияси олдидан пойтахтимиздаги «Hyatt Regency Tashkent» меҳмонхонасида ўтган «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» форматда ташки ишлар вазирларининг учрашувида мазкур конференцияни ўтказишнинг амалий жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

Марказий Осиё мамлакатларининг ташки сийёсий идоралари раҳбарлари Европанинг 2019 йилда ЕИнинг минтақамизга оид янгиланган стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга доир режасини маълумлади ҳамда Марказий Осиё давлатларининг маъмурият жараёнида фаол иштирок этишига доимо тайёр эканини билдирди.

Учрашувда, шунингдек, минтақادا иқтисодий, ҳудудлараро йўналишлардаги ҳамкорликни, савдо-иқтисодий, инвестициявий, технология, илмий ва таълим соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш истикболлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Тадбирда Афғонистондаги аҳолини барқарорлаштириш ва пойтахтимизда ўтказиладиган «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги Тошкент конференцияси арафасида ушбу давлатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Европа Иттифоқи томонидан Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, уни ҳудудий иқтисодий ва инфратузилма алоқаларига жалб қилишга доир сийёсат-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш бўйича фикр алмашилди. Шу билан бирга, 27 март кунини Ўзбекистон пойтахтида иш бошлайдиган Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференциянинг делегация раҳбарларига қирғилдайдиган якуний Тошкент декларацияси дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммони бартараф этиш йўлидаги гўяг улкан кадам бўлиши таъкидланди.

Ташки ишлар вазирларининг навбатдаги учрашуви жорий йилнинг иккинчи ярмида Брюссель шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президентининг минтақادا барқарорликни таъминлашга доир ташаббуси Афғонистондаги вазиятни тинч музокара йўли билан ҳал қилиш учун шартин яратиш дунё ҳамжамиятининг ҳам хоҳиш-истаги экани ва келгусида Марказий Осиё бўйлаб истикболли ҳамкорлик муҳитини яратишдан далолатдир.

ЎЗА

1 Бугун, эрта баҳорда ҳам бозор айланар экансиз, расталарда баҳар нарсаси муҳайё экани, айниқса, қишлоқ ҳўжаллиги маҳсулотлари арзон нархларда сотилаётганидан хурсанд бўласиз. Фарғона шаҳар дехқон бозорига 1 килограмм пиёз — 300-400 сўм, 1 боғ реписа — 500-600 сўм сотилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси давлатимиз томонидан томоркадан самарали фойдаланиш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасидир.

Кафтдек ердан салмоқли даромад

Кеча қўшнилари билан гурунлашиб қолдик. Еши улуг отахонлардан бири шундай деди:

— Ешилгимда лимон, мандарин еганимни эслаб олмабман. Ҳозирги мўл-қўлчиликни қарап: Мевани таълаб-таълаб ейсиз. Қани айтнинг, қай биринининг унингизда лимон, мандарин ёки илгари биз отини ҳам билмайдиган яна бошқа мевалар йўқ. Ҳатто кўнчилигимиз томоркамизда етиштирилмиш-ку унақа меваларни. Шу кунларга етказганига шукр. Бу юртдаги тинчлик, давлатнинг ўз фуқаролари ҳеч қимдан кам бўлмай яшаш йўлида қилаётган ишлари тўғрисида. Бунинг қадрига етиналар.

Ҳа, ҳам гап. Еши қатта юртдошларимиз яхши эслади. Бир пайтлар томоркасида етиштирилган маҳсулотини сотаман деб қўлига қишан солиналлар кўп бўлган. Оила даромади деган тушунчалар йўқ эди. Мустанқлик тўғрисида ўз эркинлигига, ўз ермигизга эга бўлди. Бугун томоркачиликка ўзига хос мактаб яратиб, яхши даромад топаётган мингтаб оилалар фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Тошқоқ туманида бугунги кунда 193 мингдан зиёд аҳоли истикомат қилиб, 3 минг 600 гектар томорка майдони мавжуд. «Арабозор», «Қанжқирғ», «Заркент», «Янгийў» каби маҳаллаларда қўллаб оишлар кафтдек ердан самарали фойдаланиб, оиласини ҳам, бозорни ҳам арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминламоқда.

Томоркада лимончилик ҳам ривожланиётган. Беш сотиқ майдондаги лимон кўччилари бу йил ҳосилига қизди. Бундан ташқари, чорвочилик ва паррандчиликда ҳам етарли тараққиот бўлиб кетди.

Туринини айтганда, Марказий Фарғона ерларига тўташ бу ҳудудда дехқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Қум-лоқ ерда гиёҳ ундириш, паррандалиш кўп меҳнат, билим ва сабр-тоқат талаб қилади. Масалан, далавни экишга тайёрлашда қузни шудорнинг аҳамияти қатта. Суторни кунинг исончилига амалга оширишга, ҳосилдорликка салбий таъсир қўрсади. Шу боис бу ерда экишга яхши савдан ёки тонг саҳарда сув таралади. Натижада намлик узоқ сақланиб, ҳосилдорлик салмоғи ошади. Ҳар бир агротехник тадбир ўз вақтида бақарилса, ерда меҳр билан ишлов берилса, даромад ҳам шунга яраша бўлади. Тошқоқликлар буни яхши аниқлаган ҳолда ҳар бир томорқа юмушига муҳим эътибор беришда, ерни маҳаллий ўғит билан яхшилаб тўйитишди.

«Томорқа экин экин» ойивгида барча маҳаллаларда экин экишга алоҳида эътибор қилинмоқда. Туманда томоркачилик маданиятининг юксалиб бораётгани нафақат аҳоли бондиқлигини таъминлаш, балки оилалар фаровонлигини юксалтиришда ҳам юксак самаралар бермоқда.

ЎЗА

1 Бир замонлар айрим қораканлигонистонликлар Тошкент шаҳридан бозорлик қилиб келишганини эшитганим бор. Ҳозир эса шароит тўдан ўзгарган. Воҳонлик бозорларида йилнинг тўрт фаслида ҳам янги узилган бодиринг, помидор ва қўқатларни харид қилиш мумкин. Аҳоли дастурхонини мева-сабзавотлар билан таъминлашда талбиркор фермерлар билан улдабурон ва абазир дехқонларимиз илгир тажрибалардан кенг фойдаланмоқда. «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» деганларини рост экан. Юртдошларимиз орасида томорка ерларида кичик иссиқхоналар ташкил этиб, хатто лимон, банан ва қўнқорингача етиштиришни урдаётганлари албатта қувонарли.

Биринчи кўриш:
КўРКАМ МАНЗАРА

«Тахиятош иссиқлик электр станцияси» қошида фаолият қўрсаётган иссиқхона жамоаси ҳар йили 2 гектар майдондан 50 тонна бодиринг, 70 тонна помидор ҳосили етиштириб, аҳоли дастурхонини мўл-қўлчилигини таъминлашда кўшма сийёсат-ҳаракатларга кенг йўл очди.

Юрт фаровонлиги учун муносиб ҳиссани қўлишга бел боғлаган ёшларни кўрган кўнчилигимиз шундай таби. Руслан Умаров ташкил этган замонавий иссиқхона таърифи бугун шуманайликларнинг тилидан тушмай қолди. «Шуманай меридиано» МЧЖга қарашли иссиқхонада ҳар кун иш авжига. Довмиш иш билан таъминланган ўттиз нафар ишчининг қўли-қўлига тегмайди. Улар бир гектар май-

донда 16 миллион донга ағчик қалампир қўчилиши етиштириб, шундан 8 миллионини тумандаги фермер хўжалиқларига, қолганини эса қонқил тумани дехқонларига етказиб бериш мажбуриятини олашган. Шуманайлик фермерлар аввалдан шартнома тузиб, харид нархининг 30 фоизини олдидан тўлаб ҳам қўйишди. «Ҳисобли дўст айрилмас» деганларидек, чин дехқоннинг топгани ҳам, лабзи ҳам ҳалол. Сўзи

Мамлакатимизда талбиркорликни ривожлантириш, янги инновацион гўяларни қўллаб-қувватлашга берилган эътибордан куч олиб иш бошлаган Р.Умаровнинг режалари кўп. Корхоналардан олиб келинаётган пахта ва чўчумки ялдиши чикидилари ара-лашмасидан ўғит сифатида фойдаланиб, қўчат етиштиришда кенг иштирокида. Ҳозир Эрон технологияси асосида эрта экилган

кўчатлар униб чиқаётган. Май ойда кўчатлар буюртмачиларга етказиб берилган, июн ва июл ойларида ерга ишлов берилиб, август ойининг бошида помидор кўчатларини экин режага киритилган. Помидор ҳосили бу йил Россия давлатига жўнатилди. Чунки россиялик истеъмолчилар билан 100 минг АКШ долларига тенг маҳсулот етказиб бериш учун шартнома имзоланган. Айни пайтда талбиркор Корея технологияси бўйича ишловчи яна бир иссиқхона қуриш тараддудда.

Бундан ташқари, у келгусида 4 гектар майдонда боғ яратмоқчи.

Иккинчи кўриш:
АБГОР МАНЗАРА

Ўтган асрнинг 80-йилларида ишга туширилиб, бир мавсумда гектаридан 190-200 тоннадан помидор ва бодиринг ҳосилини бериб келган йирик иссиқхонанинг бугунги аҳоли гўягата абгор. Нукус туманидаги «Самонбой» овул фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 5 гектарлик иссиқхона бў-

микдор жуда кам. Қолган беш гектар ердаги иссиқхона каровсиз хувиллаб ётибди.

— Дастлабки йилларда 6 гектарлик иссиқхона хўжалигида юзлаб одамлар иш билан банд бўлди, — дейди Сулаймон Ортоқов. — Ишчи тармоқларига етарли табиий газ берилмагани сабабли фаолияти тўхтаб қолди.

Кўнғирот туманида жойлашган яна бир иссиқхонанинг аҳоли бундан ҳам баттарроқ. Ўтган аср охирида иш бошлаган хўжаликда бир замонлар мўл ҳосил етиштирилган. 2002-2003 йилларда Исроил технологияси асосида корхона ҳар гектар ердан 200 тоннадан кўпроқ ҳосил олиб, қораканлигонистонлик истеъмолчиларга етказиб берган.

Бугун эса ушбу иссиқхона бамисоли тўқайзорга айлангандек гўё. Чунки унинг томи очилиб қолган. Ишчи тизими эса ишламайди.

— Беш гектарлик иссиқхонанинг бир гектар ерда помидор ва қалампир кўчатларини етиштиряямиз, — дейди «Кўнғирот иссиқхона» МЧЖ иш бошқарувчиси Руслан Утебаев. — Бирок қўлбола иссиқхона кам даромад келтирмоқда. Имкон бўлса эди, бу ерни гуллатиб юборардик...

Хулоса ўринга мулоҳаза: Ҳўш, Қораканлигонистонда бундай икки хил манзаранинг пайдо бўлишига сабаб нима? Бунга мутасаддилар қандай муносабат билдиришади?

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» муҳбири



ИПОТЕКА-БАНК

ИПОТЕКА-БАНК — хайрли ишларга камарбаста

«Ипотека-банк» АТИБ мамлакатимиздаги етакчи молиявий муассасалардан бири саналади. Хизмат кўрсатиш сифати юқори даражада ташкил этилганлиги боис mijozларнинг банкка нисбатан ишончи тобора ортиб бормоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, банк жамоаси хайрли ва савобли ишларга ҳам бажонидил қўл урмоқда. Наврўз арафасида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани «Подшобог» маҳалласига ташриф буюрилиб, эътиборга муҳтож оилалар, боқувчисини йўқотган ҳамда бемор бўлган кишиларни ҳолидан хабар олиш асноси меҳр-оқибат кўрсатилди.

«Ипотека-банк» АТИБ халқаро пул ўтказмалари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шахноза Алимова етакчилигида истиқомат қилаётган кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, ўзгалар кўмағига муҳтож кишиларга байрам совгалари топширилди.



қулайлик туғдирадиган бўлди, — дейди Қ.Машарипова.

— Сизларнинг ҳаммаларингизга катта раҳмат, — дейди Нилуфар тўлкинлини. — Ростини айтсам, бундай совгани сира кутмагандим. Ҳолимдан хабар олиб, менга ногиронлик аравачасини тақдим этган банк жамоасига, қолаверса, ушбу хайрли ишларни бошида турган барча инсонларга ўз миннатдорчилигини билдираман.

— Бир неча йил аввал турмуш ўртоғимдан айрилдим. Яқин инсонингни йўқотиш оғир экан. Яхшиям маҳалла оқсоқоли, депутатимиз бор. Ҳолимдан доим хабар олиб, ёлғизлигимни билдирмайдилар, — дейди Қибрай кўчасида истиқомат қилувчи Сайёра Ибрагимова. — Эшик кўнгиригидан сергакланиб, кўчага чиқсам, яна ўша азиз, қадрдон инсонларим! Хурсанд бўлиб кетдим. Улар билан дилдан суҳбатлашиб, кўнглим тоғдек кўтарилди.

— Хафта инсон доимо меҳрга муҳтож бўлар экан, — дейди Қудуқбоши кўчасида истиқомат қилувчи 28 ёшли Виктория Абдулаева. — Сизларнинг кутлуг қадамларингиз сабабли дардим чекингандек бўлди. Ўзимни соғлом ва тетик ҳис қиламан. Одам тафтини одам олади, деган

лари шу бўлса керак-да!

— Мухтарам Президентимизнинг жорий йил 23 февралдаги «2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан Наврўз кунларида ёрдамга муҳтож инсонлар, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга бегараз кўмак бериш, жамиятда ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатликни қучайтиришга қаратилган савобли ишларни амалга ошириш белгиланган эди, — дейди Шахноза Алимова. — Жамоамиз халқимизга хос меҳр-оқибат аъналарига монанд-мос равишда кексалар, эътиборга муҳтож, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни йўқлаб, уларнинг кўнгилиларини имкон қадар кўтаришга ҳаракат қилди. Бундай хайрли ва эзгу амаллар ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиздир.

Ахиллик ва ҳамжихатлик, меҳру саховат, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кўмакга муҳтож инсонларга бегараз ёрдам бериш каби фазилатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. «Ипотека-банк» жамоаси ҳам хайрли ишларга камарбаста бўлмоқда.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» муҳбири



Хирмонтепа кўчасида яшовчи Қутбинисо Машариповага ташриф гоят ҳаяжонли кечди.

— Қизим Нилуфар Машарипова ўн ёшидан буён 1-турух ногирони. Ҳозир у 42 ёшда. Қизим шу пайтгача кўлтиктаёқда қийналиб ҳаракатланарди. Банк томонидан тақдим этилган ногиронлик аравачаси эса унга бундан буён анча

«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси
барча юртдошларимизни
Наврўз байрами билан муборақбод этади!

Наврўз!

Кириб келган баҳор ҳаётингизга
қувончли хабарлар, мусаффо осмон,
фаровонлик олиб келсин!

«Ипотека-банк» сармоялари эса
сизга ҳамшиша ҳамроҳ бўлсин!
«Ипотека-банк» хизматларидан фойдаланинг.

ИПОТЕКА-БАНК

Imkoniyat yaratamiz

www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган

«БУХОРОПАХТАСАНОАТ»
худудий филиали маъмурияти
ва бирлашган тармоқ
қасаба уюшма кўмитаси

Юртдошларимиз ва соҳа
ходимларини, ҳамкор
ташкilotлар ишчи-ҳодимларини
янгилашиш ва покланиш айёми —
Наврўз билан муборақбод этади.

Барча ватандошларимизга мустақкам
соғлиқ, оилавий хотиржамлик, тўкинлик
ва фаровон ҳаёт тилайди.
Баҳор олиб келган қувончлар бардавом бўлсин.
Кўклам сувидек жўшқинлик, бинафшадек
беғуборлик барчамизни тарқатмасин!

«БУХОРОГАЗСАНОАТҚУРИЛИШ»
акциядорлик жамияти маъмурияти ва
қасаба уюшма кўмитаси

Янгилашиш ва яшариниш айёми —
Наврўзи олам билан соҳамиз ходимларини,
ҳамкор ташкilotлар ишчи-
хизматчиларини, мамлакатимизнинг барча
аҳолисини чин дилдан табриқлайди.
Юртдошларимизга сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик,
ишларида омад ва зафарлар тилайди.
Тинчлик, фаровонлик, баҳорий кайфият
ҳамиша йўлдошингиз бўлсин!

Наврўз муборақ, азиз ватандошлар!

Талабларингизга биноан, «Ishonch» газетасини 2018 йилининг апрелидан сотувга чиқарилади.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир:
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Қасаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишигиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-91) 141-27-70
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

У. Ибодидинов
Навбатчи:
С. Ҳайдаров
Муҳаббатчи:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти: — 00:25
Топширилди: — 00:50
2 3 4 5 6
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Буортма Г — 309.
36887 нусxada босилди.
Нашир кўрсатиши: 133